

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 37 (946) • 2013-yil, 6-sentabr, juma

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ РАИСИ СИ ЦЗИНЬПИННИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан 2013 йил 8-10 сентябрь кунлари Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф давомида Ўзбекистон — Хитой стратегик ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш, халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро ҳамкорликни мустақамлашга оид масалаларни кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш, долзарб минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашиш режалаштирилмоқда.

Музокаралар якунида икки давлат раҳбарлари Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация, шунингдек, иқтисодий ҳамкорликка доир қатор ҳужжатларни имзоладилар.

Муносабат

Бизга фахр ярашади...

Мамлакатимизда Мустақиллик байрами умумхалқ шодиёнаси, ҳаётимиздаги энг улуғ, энг азиз байрам сифатида кенг нишонланди. Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган байрам тантанаси, Юртбошимизнинг табрик сўзи халқимизни беқиёс даражада руҳлантириб юборди, дунёнинг кўплаб мамлакатларида ҳам зўр қизиқиш билан тинланди. Партиямиз фаоллари ҳам табрикка ўз муносабатларини билдирмоқдалар.

Миллат тақдирида янги саҳифа очган, жамиятнинг жон ва қон томирларига янгича маъно-мазмун бахш этган, буюк аждодларимизнинг орзу-умидларини рўёбга чиқарган бу улуғ кунни ҳар қанча эъзозласак, ундан фахрлансак арзийди.

Бугун кўз ўнгимиздан кураш ва интилишларга тўла йигирма икки йиллик ҳаётимиз, ташвиш, ҳаяжонли дамлар, энг оғир, мураккаб вазиятларда ҳам ўзлимизни, ишончимизни йўқотмай, сабр-бардош, аҳил-иноқлик билан иш тутганимиз, эришган оламшумул ғалабаларимиз, мустақил давлат сифатидаги илк қадамларимиз ҳамда бугунги заворли юришларимиз ўз ифодасини топмоқда. Мустақиллик биз ва келажак авлодлар учун тарихий бурилиш, ўзликка қайтишнинг тарихий нуқтаси бўлиб қолди десак, муболаға бўлмайди.

Кун кеча эмасмиди — мустақиллик исқанжасида яшаганимиз, ўзлимизни йўқотаётганимиз, тарихимиз қора доғлару сохта айбловларга тўлиб кетгани, гуруримиз таҳқирлангани, машаққатли меҳнатимиз самарасини кўрмай юрган пайларимиз, даламизга нима экин экишни, иморатни қанча баландликда қуришни ҳам марказдан сўрашга, ижозат олишга мажбур бўлганимиз. Тилимиз, дин-диёнатиимизнинг аҳволи-чи?



Камола ҲАМИДОВА,
Ўзбекистон "Адолат"
фракцияси аъзоси

Йиллар бирин-кетин ўтаверади. Мустақиллик қалбимизда, онг-шууримизда, тақдиримизда чуқур илдиз отаверади, унинг муқаддас солномаси Ўзбекистон номи билан аталаётган ғалабалар, жаҳон эътиборига тушган, эътирофига муяссар бўлган ютуқларимиз билан бойиб бораверади. Бу йилларнинг ҳар кунини, ҳар ойини маъно-моҳиятига кўра, "умр дафтарини шоҳ сатрлар билан безаш" ва бу безакдан дунёни ҳайратга солиш даври бўлди десак, хато бўлмайди.

2 ➤



Е.Шайхалиева (ЎзА) овраг сураг

Мактаб — билим ўчоғи

Матбуот анжумани

Мустақиллик йилларида жамият тараққиётининг бошқа жабҳаларида бўлгани каби таълим соҳасидаги ислохотлар ҳам босқичма-босқич, устувор йўналишлар асосида амалга оширилмоқда. Чунончи, баркамол ва соғлом авлодни тарбиялаш, уларга бошланғич тушунча ва билим беришда, катта ҳаётга тайёрлашда мактабга таълим муассасаси ҳамда мактабларнинг аҳамияти катта.

Ушбу муассасалар фаолиятининг самарадорлигини оширишда, таълим олувчи ёки тарбияланувчиларнинг билими, дунёқараши даражаси ортишида педагог-ўқитувчиларнинг маҳорати ва тажрибасидан ташқари ўқув дарсликлари, китобларнинг ўрни беқиёс.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ташаббуси билан пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ўтказилган матбуот анжумани айнан ушбу масалага бағишланди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги Улуғбек Иноятов, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Бош директори Омонулло Юнусов, мутасадди раҳбарлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган ушбу тадбирда республикамиздаги таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан тизимли равишда таъминлаш, дарс жараёнида ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича белгиланган устувор йўналишлар борасида атрафлича маълумот берилди.

Таъкидланишича, бугунги кунда республикамизда 9765 та мактаб, 4962 та мактабгача таълим муассасалари фаолият юритаётган бўлиб, ўқувчиларнинг хоҳишига асосан 7 та, яъни ўзбек, рус, қорақалпоқ, қозок, тожик, қирғиз, туркман тилларида таълим олиш имконияти мавжуд. 410 минг нафардан

ортиқ ўқитувчилар салкам 5 миллионга яқин ўқувчиларга сабоқ берадиган экан, уларни тўлиқ ўқув дарсликлари билан таъминлаш масаласи ҳал этиб келинмоқда.

— 2013-2014 ўқув йили учун умумтаълим мактабларининг 1-, 4-, 6-, 7-синф ўқувчиларига жами 392 номда 22 533 772 нуска дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар чоп этилиши режалаштирилган бўлиб, мазкур дарсликлар тўла чоп этилди, — деди Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги У.Иноятов ўз маърузасида. — Шунингдек, умумтаълим мактабларининг 1-синфлари учун яратилиб, чоп этилган "Kid's English" инглиз тили дарслиги фойдаланишга топширилди. Барча дарсликларнинг электрон шакли ҳамда ижара тизимига киритилган тўпламларнинг ягона ижара тўлов миқдори Халқ таълими вазирлигининг www.uzedu.uz сай-

тига жойлаштирилган.

Шунингдек, вазирлик ташаббуси билан ўқув-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этиш бўйича республикамизнинг 28 та умумий ўрта таълим мактабларида тажриба-тадқиқот майдончалари, вазирлик ҳузурда "Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази" ташкил этилган. Умумтаълим мактаблари учун давлат таълим стандарти талабларига мувофиқ юқори самарали мультимедиа воситалари ҳамда ўқув адабиётлари ва қўлланмаларнинг электрон турларини яратиш йўлга қўйилиши натижасида бугунги кунда жами 300 тадан ортиқ электрон ахборот-таълим ресурслари яратилган.


С.ЖАББОРОВА

Аҳоли талаби қондирилди

Вилоят партия Кенгашининг жамоатчилик қабулхонасига Тўрақўрғон туманидаги Шаҳана қишлоғи фуқароларидан мурожаат келиб тушди. Аризада жамоат транспорти қатновини йўлга қўйиш зарурати борлиги кўрсатилган бўлиб, бу масалани ҳал этишда «адолат»чилардан амалий кўмак сўралган эди...

4 ➤

Фидокорона меҳнатлар самараси



...ўз касби, фидокорона меҳнати билан чин маънода эл-юрт ҳурматини қозонган, давлатимизнинг нуфузли мукофоти билан тақдирланган Орифжон Қудратов сингари партия-дошларимиз бор экан, дастурий ғояларимиз ҳаётда амалий ифодасини топаверади.

2 ➤

Эйхорниядан энергия олиш мумкин

Асл ватани Бразилия бўлган Эйхорния сув ўсимлиги устида Андижон вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати лабораториясида илмий изланишлар олиб борилади ва лаборатория таҳлилларидан кутилгандан ҳам юқори натижа олинди. Тез кўпайиш хусусиятига эга ушбу ўсимлик қисқа муддатда канализация оқова сувларини санитария талабларига жавоб берадиган яроқли ҳолатга келтириши мумкинлиги исботланди. Эйхорниянинг яна бир афзаллиги ундан катта миқдорда биогаз олиш мумкин.



3 ➤

Хўқанди латифда янги кошона

Шоҳрухобод ва Давронбек кўчалари кесишмасида барпо этилаётган турар-жой биноларида ҳам иш қизғин. Бу ерда 4 қаватли, умумий майдони 4 минг 120 квадрат метрдан иборат 33 та хонадон қад ростламоқда.

6 ➤

Бугуннинг муҳим масалаларидан бири маҳсулотларни жаҳон стандартларига мос баҳолашдир

Қонун ижодкорлиги

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнлари, менежмент тизимлари ва ходимларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш, ички ва ташқи бозорларда маҳсулот ҳамда хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш, халқаро иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорлик ва жаҳон савдо олоқаларида иштирок этиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда давлатнинг ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки хавфсизлигини таъминлаш масалалари мамлакатимиз тараққиётида муҳим ўрин тутди.



Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида маъқулланган «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги қонун айтиш шу масалаларда тегишли мувофиқликни баҳолаш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Унда мувофиқликни баҳолашнинг ягона қоидалари ва тартиб-таомилларини қўлаш, мувофиқликни баҳолаш ҳақидаги ахборотнинг тўғрилиги ва очиқлиги, аккредитация қилинган мувофиқликни баҳолаш органларининг хизматларидан фойдаланишга тўсиқлар қўйишга ва улар ўртасидаги рақобатни чеклашга йўл қўймаслик каби асосий қоидалар белгиланган.

Бугун юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам талаб ортмоқда. Айнан маҳсулотларнинг сифати ошганлиги боис мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти юксалди. Бунда, шубҳасиз, халқаро стандартларнинг жорий этилгани муҳим аҳамият касб этди.

Маълумки, ҳозирги кунда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сифат ва рақобатбардошликни таъминлаш ҳолда истеъмолчилар ва давлатнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш устувор вазифа ҳисобланади. Мутахассислар таҳлилларига кўра, ҳозир бутун дунё микёсида

стандартлаштириш ва сертифицилаштириш талабларига ўзгаришлар юз бермоқда. Техник жиҳатдан тартибга солиш, техник меъёрларни белгилаш билан бирга мувофиқликни баҳолаш ҳақидаги тушунча ва жараёнлар пайдо бўлаётти. Шу боис «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги амалдаги қонуннинг давоми сифатида «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги қонун ишлаб чиқилди.

Бу соҳадаги муносабатлар бугунги кунда турли соҳавий қонунлар — «Техник тартибга солиш тўғрисида»ги, «Маҳсулот ва хизматларни сертифицилаштириш тўғрисида»ги, «Стандартлаштириш тўғрисида»ги, «Метрология тўғрисида»ги қонунлар, шунингдек, идоровий ҳужжатлар билан тартибга солиб келинмоқда.

Ушбу соҳада ягона базавий қонуннинг қабул қилиниши мувофиқликни баҳолашнинг бутун тизимини, шу жумладан, миллий аккредитацияни ҳам ташкил этишнинг умумий принциплари, қоидалари тартибга солиниши таъминлайди.

Мувофиқликни баҳолаш объектига маҳсулотлар, хизматлар, жараён, тизим, идора ёки шахслар кирди. Қонун билан мувофиқликни баҳолаш тўғрисидаги халқаро тан олинган меъёрий ҳужжат

қилиш ҳуқуқига ҳам эга. Бундан ташқари, халқаро аккредитация органлари ва чет давлатларнинг миллий аккредитация органлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ваколати ҳам кўзда тутилган.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни жаҳон стандартлари талаби асосида баҳолаш бугунги куннинг муҳим масалаларидан биридир. Маҳсулот ва хизматларни сертифицилаштириш ишларини ўрнатилган тартибда олиб бориш инвестиция муҳитини яхшилашда, ҳудудлар экспорт салоҳиятини оширишда, янги иш ўринларини ташкил этишда асосий омил бўлади. Шунингдек, «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши миллий қонунчиликни халқаро талабларга ва Бутунжаҳон савдо ташкилоти битимларига мувофиқлаштириш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш ҳамда халқаро савдонинг энгиллаштириш имконини бериши билан мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз. Қонунда

Ўзбекистон «Адолат» СДП хабарлари

Истиқлол шуқуҳи давом этмоқда

ҚАШҚАДАРЁ

Ўзбекистон «Адолат» СДП Қашқадарё вилояти Кенгаши ташаббуси билан «Қашқадарё Нефтьгаз қурилиш ОАЖ»га қарашли «Қашқадарё саноат қурилиш материаллари» унитар корхонаси мажлислар залида истиқлолнинг 22 йиллиги муносабати билан «Кўзим қароғидасан, Ватан» мавзусида учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Қашқадарё вилояти Кенгаши раиси Абдуқоҳор Аҳмедов истиқлол халқимизга, энг аввало, ўзликни англаш, инсон манфаатлари устувор бўлган янги эркин, демократик жамият қуриш, ижтимоий адолатни тиклаш, қонун устуворлигини таъминлаш имконини берганлигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда «Қашқадарё саноат қурилиш материаллари» унитар корхонаси директори Гофур Аманов, БПТ раиси Татьяна Рижова, «Қашқадарё Нефтьгаз саноат қурилиш ОАЖ» касабачи уюшма кўмитаси раиси Азиз Абдураимов, ходимлар бўйича мутахассис Инобат Асадова, монтажчи Маҳмуд Бойқобилов ва бошқалар сўзга чиқиб, юртимиз фаровонлиги, тинчлик-тотувлик истиқлол туфайли эканлигини алоҳида қайд этдилар. Шу билан биргаликда анжуманда обод юртимизни шарафлаш, миллий эртасига дахлдорлик туйғуси билан яшаш ҳар биримизнинг маънавий бурчимиз эканлиги ҳам эътироф этилди.

Ўтказилган учрашув тадбир иштирокчилари қалбида катта таассурот қолдирди.

Маҳдир САЛОМОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Қашқадарё вилояти Кенгаши йўриқчиси

СИРДАРЁ

Юртимизнинг барча ҳудудларидаги сингари Сирдарё вилоятининг шаҳар, туман ва қишлоқларида ҳам «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида кўтаринки руҳда байрам тантаналари, тадбирлар уюштирилмоқда, уларда мустақиллик буюк неъмат эканлиги тилга олинмоқда.



Ўзбекистон «Адолат» СДП Сирдарё вилояти Кенгаши ташаббуси билан вилоят Юқумли касалликлар шифохонаси мажлислар залида ташкил этилган тадбирда ҳам айнан мустақиллик шарафати билан мамлакатимизда барча соҳаларда улкан ютуқларга эришилгани, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти, турмуш фаровонлиги таъминлангани, Ватанимиз қудрати ва салоҳияти, халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётгани, амалга оширилаётган ислохотлар ва ўзгаришларнинг моҳияти ва аҳамияти, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг онгу тафаккури, сиёсий савияси, ижтимоий фаоллиги ошиб бораётгани, ҳар бир юртошимиз ўз истеъдоди ва қобилиятини намоён этиши учун янгидан-янги имкониятлар яратилаётгани таъкидланди.

Тадбир сўнггида тиббиёт муассасасида янги бошланғич партия ташкилоти тузилиб, партия сафига аъзолар қабул қилинди.

Шухратжон ХАСАНОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сирдарё вилояти Кенгаши матбуот котиби

Эйхорниядан энергия олиш мумкин

Маҳаллий кенгашларда

Кейинги йилларда энергия тежамкорлигини ошириш, экологик тоза, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўламини янада кенгайтириш масаласи бутун дунёда долзарб аҳамият касб этмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, сайёрамиздаги мавжуд кўмир захиралари яна 170 йилга, табиий газ 70-75 йилга, нефть захиралари 45-50 йилга етиши мумкин экан, холос. Шу боис бутун дунё аҳли қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш ва кенгайтириш устида бош қотирмоқда.

технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси, «Андижон ҳудудий электр тармоқлари» ОАЖ ҳамда вилоят «Инновацион технологияларни жорий этиш маркази» билан ҳамкорликда Президентимизнинг юқоридаги Фармони ижросини таъминлашга бағишланган семинар ўтказилди. Ушбу тадбирда вилоятимизда муқобил энергия манбаларини ривожлантиришнинг истиқболлари ва бу борада ечимини кутаётган масалалар атрофида муҳокама этилиб, аниқ режа ва дастурлар ишлаб чиқилди. Қолаверса, семинар доирасида иштирокчилар учун «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар кўргазмаси» ташкил этилиб, унда олимларимиз томонидан бу борада олиб борилаётган илмий изланишлар, инновацион ишланмалар ва ихтиролар намойиш қилинди.

Бундан ташқари, Хўжабод туман марказий шифохонаси, Бўз туманидаги «Мустақиллик» МФЙ, Балиқчи туманидаги «Электр тармоқлари» ОАЖ ҳамда Андижон туманидаги «Харабек» ҚФЙда муқобил энергия ва инновацияга бағишланган семинарлар ташкил этилдики, бу орқали аҳолининг кенг қатлами орасида муқобил энергиянинг афзалликлари ҳақида аниқ тушунчалар ҳосил қилишга эришилди. Бундай тадбирлар партияимизнинг ҳаракат дастурига мувофиқ шараф ва тўғрилик билан мунтазам давом эттирилмоқда.

Шунингдек, бу борада маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимиз билан йўлга қўйилган илмий ҳамкорлик ҳам ўз самарасини бермоқда. Хусусан, халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг «Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари», «Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалиги, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари» ҳамда «Ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари» доимий комиссияларининг қўша йиғилишларида ҳам депутатлик гуруҳимиз ташаббуси билан «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармоннинг Андижон вилоятида ижросини таъминлашда маҳаллий кенгашларнинг давлат ва бoshқарув органлари, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликдаги вазифаларни тўғрисидаги масала муҳокама қилинди ҳамда ушбу масала халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилди.

Шу билан бирга халқ депутатлари Бўз ва Балиқчи туман кенгашларининг 2013 йил сентябрь ойидаги сессияларида ҳам ушбу масала кўриб чиқилиши режалаштирилган.

Шу ўринда ҳозирги кунда вилоятимизда ишлаб турган муқобил энергия манбалари ўз афзаллиги ва самардорлигини кўрсатаётгани диққатга сазовор. Жумладан, Андижон тумани «Завроқ» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги микроЭС таъмирланиб, кичик қувватли электр энергиясини олиш даражасига етказилди. Натيجада 200 квт. соат микдорда электрэнергия олиш имконияти яратилди.

«Андижон ҳудудий электр тармоқлари» ОАЖ ҳомийлигида кўш энергиядан фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида Андижон шаҳридаги 1-сонли мактабгача таълим муассасасига, Андижон тумани «Бутақора» ҚФЙдаги «Муруват уйи»га ўрнатилган 1,35 квт. қувватга эга бўлган 50 квт. қувват батареялари, Избоскан туманидаги «Худойберганов Умарали ҳосили» фермер хўжалигида ўрнатилган суткасига 10м³ биогаз ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган қурилма, туман марказий шифохонасига ўрнатилган 6 квт. қувватли кўш батареяси ҳамда Андижон шаҳридаги ўндан ортқ фуқароларнинг хонадонларига ўрнатилган 1,5-4 квт. қувватга эга кўш батареялари самарали фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда ҳам қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш жараёнида тежамкор, замонавий технологияларни қўлаш кўлами кенгайиб бормоқда. Президентимизнинг 2013 йил 1 мартда қабул қилинган «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу йўналишдаги ишларни янада жонлантиришга туртки бўлди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти Кенгаши ҳам партия дастурий ғояларидан келиб чиқиб, ўз фаолиятида муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланишни кенг йўлга қўйиш, энергия тежамкор тизимларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича фуқароларда инновацион дунёқарашни шакллантириш юзасидан

тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Чунки муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш уларнинг таннархи арзонлашувига олиб келади. Бу эса ўз-ўзидан фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясига сезиларли таъсир кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, вилоят партия Кенгашимиз томонидан туманларнинг ҳудудий, географик, иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бу борада тарғибот йўналишлари белгиланиб, мутасадди ташкилотлар билан тизимли ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Хусусан, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ташаббуси билан жорий йилнинг 26 мартда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва

Хўжабод туман марказий шифохонаси, Бўз туманидаги «Мустақиллик» МФЙ, Балиқчи туманидаги «Электр тармоқлари» ОАЖ ҳамда Андижон туманидаги «Харабек» ҚФЙда муқобил энергия ва инновацияга бағишланган семинарлар ташкил этилдики, бу орқали аҳолининг кенг қатлами орасида муқобил энергиянинг афзалликлари ҳақида аниқ тушунчалар ҳосил қилишга эришилди. Бундай тадбирлар партияимизнинг ҳаракат дастурига мувофиқ шараф ва тўғрилик билан мунтазам давом эттирилмоқда.

Шунингдек, бу борада маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимиз билан йўлга қўйилган илмий ҳамкорлик ҳам ўз самарасини бермоқда. Хусусан, халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг «Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари», «Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалиги, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари» ҳамда «Ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари» доимий комиссияларининг қўша йиғилишларида ҳам депутатлик гуруҳимиз ташаббуси билан «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармоннинг Андижон вилоятида ижросини таъминлашда маҳаллий кенгашларнинг давлат ва бoshқарув органлари, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликдаги вазифаларни тўғрисидаги масала муҳокама қилинди ҳамда ушбу масала халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилди.

Шу билан бирга халқ депутатлари Бўз ва Балиқчи туман кенгашларининг 2013 йил сентябрь ойидаги сессияларида ҳам ушбу масала кўриб чиқилиши режалаштирилган.

Шу ўринда ҳозирги кунда вилоятимизда ишлаб турган муқобил энергия манбалари ўз афзаллиги ва самардорлигини кўрсатаётгани диққатга сазовор. Жумладан, Андижон тумани «Завроқ» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги микроЭС таъмирланиб, кичик қувватли электр энергиясини олиш даражасига етказилди. Натيجада 200 квт. соат микдорда электрэнергия олиш имконияти яратилди.

«Андижон ҳудудий электр тармоқлари» ОАЖ ҳомийлигида кўш энергиядан фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида Андижон шаҳридаги 1-сонли мактабгача таълим муассасасига, Андижон тумани «Бутақора» ҚФЙдаги «Муруват уйи»га ўрнатилган 1,35 квт. қувватга эга бўлган 50 квт. қувват батареялари, Избоскан туманидаги «Худойберганов Умарали ҳосили» фермер хўжалигида ўрнатилган суткасига 10м³ биогаз ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган қурилма, туман марказий шифохонасига ўрнатилган 6 квт. қувватли кўш батареяси ҳамда Андижон шаҳридаги ўндан ортқ фуқароларнинг хонадонларига ўрнатилган 1,5-4 квт. қувватга эга кўш батареялари самарали фаолият кўрсатмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти Кенгаши ҳам партия дастурий ғояларидан келиб чиқиб, ўз фаолиятида муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланишни кенг йўлга қўйиш, энергия тежамкор тизимларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича фуқароларда инновацион дунёқарашни шакллантириш юзасидан

Алишер ШОДМОНОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Андижон вилояти
Кенгаши раиси,
Халқ депутатлари вилоят
Кенгаши депутати

Партия ҳаёти

ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Ютуқнинг ўзи келмайди

БПТ — фаол куч

Бошланғич ташкилот партияни омма билан боғлайдиган, унинг ғоявий мақсадларини тарғиб қилишда бош-қош бўладиган етакчи бўғин эканини Ҳазорасп туманидаги «Саяпир» маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг куйи бўғини фаолияти мисолида ҳам билиш мумкин. Улар партиянинг дастурий ғоялари асосида ўз амалий ишлари билан халқ ишончидек юксак маррага эриша олди.

Бугун маҳалла фуқаролари билан партиялар ҳақида гап-лашсангиз, «адолат»чилар хусусида ўз муносабатларини тўқиниллиб баён этишади. Маҳалла аҳлининг социал-демократлар фаолиятдан мамнун эканликларини уларнинг юз-кўзларидан ҳам англаш қийин эмас.

Ижтимоий адолат, қонун устуворлиги асосланган, барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлган ва ўз Конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини бемалол амалга ошира оладиган ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ғояси куйи бўғин фаолиятининг асосига айланган. Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида ана шундай ғоялар тарғиботида бағишланган ўндан ортиқ тадбирлар ташкил этилди. Ҳар бир тадбир 60-70 нафар фуқароларни қамраб олди.

Ижтимоий ҳимоя социал-демократларга хос фазилатдир. Буни чуқур англаган куйи бўғин фаоллари аҳолининг кам таъминланган қисмига ҳомийларни жалб этган ҳолда кўмак кўрсатишга эътибор қаратишаётгани қувонарлидир. Шу йил-

нинг ўтган даврида маҳалладаги шундай фуқароларнинг 20 нафарига саломатликларини тиклаш учун тегишли идоралар кўмағида бепул тиббий йўлланмалар ажратилишига эришилди. Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги нишонланаётган шу кунларда ҳам хайрли ишлар давом эттирилди. Кам таъминланган оилаларга партиянинг совғалари топширилди.

Куйи бўғин ташаббуси билан она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, ёшларни спортга жалб қилиш каби мақсадларга қаратилган турли тадбирлар ҳамда спорт мусобақалари уюштириш аънаёнага айланган. «Оилалар мустаҳкамлиги — юртимиз тинчлиги», «Ёшлар гивҳандликка қарши», «Соғлом авлод — юртимиз таянчи» каби тадбирлар кенг жамоатчиликка, айниқса, ёшларга манзур бўлмоқда. Яқинда маҳалла фуқаролар йиғинида мамлакатимиз мустақиллигининг йиғирма икки йиллигига бағишланган «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида ташкил этилган маданий-маърифий тадбир жамоат-

чиликда катта таассурот қолдирди.

Бундан ташқари, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш борасидаги тарғибот ишлари ҳам алоҳида эътиборга молик. Президент фармон ва маърузалари, давлат дастурлари, янги қонунлар мазмун-моҳиятига бағишланган тарғибот тадбирлари мунтазам ўтказилиб келинаётгани, уларда маҳаллий кенгаш депутатларининг ҳам иштироки таъминланаётгани сайловчиларнинг тез-тез депутатлар билан юзма-юз мулоқотда бўлишига имкон бермоқда.

Маҳаллада БПТ учун алоҳида хона ажратилган. Бу ерда партия фаолияти учун барча шарт-шароитлар яратилган. Сиёсий адабиётлар, турли хилдаги тарғибот материаллари маслақдошлар фаолиятини йўлга қўйиш, уларнинг билим ва тафаккурини бойитишда кўл келмоқда. Бу эса вилоят партия Кенгашининг БПТлар фаолиятини жонлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келаётганидан ҳам далолатдир.

Айни пайтда Хоразм вилоятида «Адолат» СДПнинг 9237 нафар аъзоси 141 та бошланғич ташкилот атрофида жипс-лашган. Куйи бўғинлар фаолиятини такомиллаштириш, партия аъзоларининг сиёсий билимларини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратиляпти. Вилоят Кенгаши аъзолари, депутатлар жойларда бўлишиб, партиявий-сиёсий ишларни йўлга қўйишда яқиндан ёрдамлашмоқдалар.

Жорий йилнинг олти ойи мобайнида бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғинликлари ўтказилиб, уларда

7050 нафар партия аъзоси қатнашди. Куйи бўғин етакчилари, партия аъзоларининг билим ва малакасини ошириш учун вилоят Кенгаши ҳузуридаги «Сиёсий маърифат маркази» томонидан долзарб мавзуларда семинар машғулотлари мунтазам ташкил этилиб келинаётгани партия аъзоларининг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини бойитишга хизмат қилаётир.

Бу ерда кўпчиликка ўрнатилган БПТ, аввало, жамият аъзолари орасида партия мавқеини мустаҳкамлаётган бўлса, иккинчидан, аъзолар ва тарафдорлар сонини кўпайтирмоқда. Ҳар бир йиғилишда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид аниқликлар таҳлил этилади. Фаоллар тақлифлари асосида партия дастурида белгиланган ғояларга асосланган ҳолда касб-хунар таълими муассасаларида битирувчиларни иш билан таъминлаш, касаначиликни ривожлантириш орқали бандликни таъминлашга доир масалалар жамланиб, туман кенгашига тақдим этилади.

Бу каби саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётганини биргина «Саяпир» маҳалласидаги куйи бўғин фаолиятидаги ижобий натижалар ҳам исботлаб турибди.

Зиммамиздаги масъулият ҳамиша фаолликка ундайди, — дейди БПТ раиси Фароғат Тиллаева. — Партияимизнинг дастурий мақсад ва вазифалари «Обод турмуш йили» Давлат дастури билан ҳар жиҳатдан ҳамоханг эканлиги елкамиздаги масъулият ҳиссини янада оширмоқда.

Дарвоқе, бошланғич ташкилот халқ депутатлари туман кенгашидаги партиянинг депутатлик гуруҳи билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Аҳоли орасида йод танқислигининг олдини олиш мақсадида куйи бўғин тақлифи билан депутатлар иштирокида ҳудуддаги савдо шохбачаларида сотилаётган тузнинг йодланганлик микдори текширувдан ўтказилгани, фаолларнинг мазкур ташаббуслари депутатлик гуруҳи сессиясида киритилишига тайёрланаётгани юқоридаги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Мухтасар айтганда, ана шундай куйи бўғинлар шижоати туфайли Ҳазораспда «Адолат» СДПнинг обрўси ва нуфузи ортиб борапти. Ҳозирда туманда партия аъзолари сони 1134 нафарга етди.

Иқбол НИШОНБОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Хоразм вилояти Кенгаши
матбуот котиби



Юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги — устувор мақсадимиз

Сиёсий ўқув

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши, Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда Ўзбекистон «Адолат» СДП Миробод туман кенгаши ҳамкорлигида «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК қошидаги «Сихатгоҳ» масканида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида «Истиқлол берган имкониятлар» мавзuida семинар-тренинг ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, партия фаоллари иштирок этишди.

— Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида ҳеч қандай кам ва ҳеч қимга қарам бўлмастик, халқимизга муносиб ҳаёт тарзини яратиш, янги баркамол авлодни тарбиялаш, борини асраб-авайлаш, йўғини яратиш, келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш, «Шу азиз Ватан — барчамизники!» деган улуг ва мўътабар туйғуни онг-шууримизга синдириш бош мақсадимиз бўлди. Шу туйғу билан қанчадан-қанча синовларни, ғаразли, ошқора-пинҳона фитналарини энгиб ўтдик, жамиятда ҳукм сураётган тинчлик-тотувлик, аҳил-иноқлик, меҳроқибат, ижтимоий фаоллик, жамият ва миллат тақдирини учун масъуллиқ ҳисси эришган оламшумул галабаларимизга пойдевор бўлди. Буни ўзимиз ҳам бемалол айта оламиз, дунё ҳамжамияти ҳам эътироф этади, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП раиси Н.Умаров. — Ўтган 22 йил мобайнида юртимизда тинчлик

ва осойишталикни таъминлашнинг самарали тизими яратилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Мудофаа тўғрисида», «Терроризмга қарши кураш тўғрисида» ва бошқа қатор қонунлар мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъминлашнинг, фуқаролар, турли миллатлар ва элзатлар ўртасидаги аҳиллик, ҳамжихатликнинг ҳамда халқимиз бахтли ҳаётининг муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган ривожланишнинг «Ўзбек модели» муваффақиятининг бош омил ҳам юртимизда тинч ва осойишта ҳаёт барқарор таъминланаётганидир. Тадбирда сўзга чиққан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, Ўзбекистон «Адолат» СДП Миробод туман кенгаши раиси Т.Матиев йиғилганларга бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохот-

лар самарасининг замирида, энг аввало, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик мужассам эканлиги хусусида гапирар экан, Давлатимиз раҳбарининг яқинда чоп этилган «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» номли рисоласининг мазмун-моҳияти хусусида атрафлича тўхтади.

Миллий истиқлол ғоясини ўзида тўлиқ мужассам этадиган юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги каби олижаноб мақсадлар атрофида сиёсий ва ижтимоий кучлар жипслашаётгани, элимизнинг иродаси, салоҳияти ва куч-қудрати сафарбар этилаётгани — буларнинг барчаси ҳаммамизни қувонтиради ва келажакка бўлган ишончимизни мустаҳкамлайди. Шу боис тадбирда бугунги тинчлик ва хотиржамликнинг қадрини етиш, унинг мустақиллик инъом этган улуг неъматлардан бири эканлигини аҳоли, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб этиш ҳар бир партия фаолининг зиммасидаги масъулиятли вазифалардан эканлиги таъкидланди.

Шунингдек, семинарда айни пайтда 60 нафар партия аъзоларини жипслаштирган «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК қошидаги «Сихатгоҳ» дам олиш масканида тузилган БПТнинг жорий йилнинг биринчи ярим йиллик фаолияти сарҳисоб қилиниб, галдаги режалар белгилаб олинди.

Бобур ОТАМУРОДОВ,
Ўзбекистон «Адолат»
Тошкент шаҳар Кенгаши
матбуот котиби



Аҳоли талаби қондирилди

Дастур доирасида

Ўзбекистон «Адолат» СДП Наманган вилояти Кенгаши фаолларининг саъй-ҳаракати билан истиқлолимиз меваси — Самарқанднинг «Исузу» автобуслари хизматидан Наманган туманидаги Тошбулок, Тўрақўрғон туманидаги Қатагонсарой, Шаҳанд қишлоқлари аҳолиси ҳам баҳраманд бўла бошладилар.

Вилоят партия Кенгашининг жамоатчилиқ қабулхонасига Тўрақўрғон туманидаги Шаҳанд қишлоғи фуқароларидан мурожаат келиб тушди. Аризада жамоат транспорти қатновини йўлга қўйиш зарурати борлиги кўрсатилган бўлиб, бу масалани ҳал этишда «адолат»чилардан амалий кўмак сўралган эди.

Мурожаатни атрафлича ўрганиш ва уни ижобий ҳал этиш мақсадида вилоят Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи О.Мақсудов бошчилигида тузилган маҳаллий Кенгаш

депутатларидан иборат ишчи гуруҳ Наманган, Тўрақўрғон, Мингбулок туман ҳокимликларига сўров юборди.

Муаммо ўн кун ўтмасданок ижобий ҳал этилди. «Наманган йўловчи ташвиш» давлат унитар корхонаси кўмағида «Исузу» автобуслари Тошбулок-Қатагонсарой-Шаҳанд орқали Мингбулок тумани марказига қатнайдиган бўлди.

— Бу Мустақиллик байрами кенг нишонланаётган фарахбахш кунларда қишлоғимиз аҳолисига туҳфа бўлди, — дейди фуқаро Анвар Убайдулла-

ев. — «Адолат»чиларнинг амалий кўмағидан биз ниҳоятда миннатдоримиз. Ўзбекистон «Адолат» СДП салоҳиятли партия, кўтараётган ташаббуслари ва олға сураётган ғоялари ҳаётбахш эканлиги яна бир қарра амин бўлди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сайловолди дастурининг «Иқтисодиётни ривожлантиришдан турмуш сифати ва даражасини ошириш сари» бўлимида партия аҳолини сифатли хизматлар билан таъминлаш тарафдори экани белгиланган бўлди. Ҳудудларда ушбу дастурий вазифалар ихросини таъминлашга эса алоҳида ёндашилмоқда. Юқоридаги мисол бунинг ёрқин далилидир.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Наманган вилояти Кенгаши
матбуот котиби

«Ёш адолатчилар» қаноти

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Сайловолди дастурида ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Партия ёшлар орасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш, уларни бу ижтимоий қатлам бўйича ишлаб чиқилган давлат ва партия сиёсатини амалга ошириш жараёнига жалб этиш, партия мафқурасини қабул қилган сиёсий етуқ ёш ўринбосарлар авлодининг шаклланишига кўмаклашишни ўз олдига мақсад қилган. Партиянинг Қашқадарё вилояти Кенгаши фаоллари ҳам шу мақсадда ёшлар орасидаги тарғибот-ташвиқот ишларида алоҳида аҳамият қаратган.

Юртимиз бўйлаб Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги кенг нишонланаётган айни кунларда барча ёшларнинг кўнгилни бирдек кўтаришга ҳаракат қилаётган ва маълум маънода бунинг урдасидан чиқиб келган партиянинг вилоят Кенгаши фаоллари бир қатор хайрли ишларга кўл урмоқдалар. Кўп йиллардан буён «Ёш

Байрам тўйга уланди

адолатчилар» қаноти сафларида фаол иш олиб борган Қарши шаҳридаги кам таъминланган оилалар фарзандлари — М.Мейлиев ва М.Раҳматуллаевларнинг никоҳ тўйи ҳам вилоят Кенгаши фаолларининг бевосита моддий-маънавий ёрдами туфайли кўнгилдагидек ташкил этилди. Икки ёшга партия вилоят Кенгаши ва

ҳомийларнинг совға-саломлари улашилди. Тантана баҳонасида тўйга тақлиф этилган 10 нафар кам таъминланган оилалар фарзандларига ҳам ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Маросимда сўзга чиққан вилоят партия Кенгаши раиси А.Аҳмедов «Ёш адолатчилар» қаноти фаоллари Маҳмуджон ва Моҳинабонуларнинг бахтли оила қуришлари ҳамда партия ғояларини тарғиб этишдаги келгуси фаолиятларида улкан муваффақиятлар тилади. Тўй маросимида маданият уйи бадий ҳаваскорлари томонидан ихро этилган куй-қўшиқлар барча «Ёш адолатчилар»нинг қувончига қувонч қўшди.

Дарвоқе, вилоят партия Кенгаши ҳомийлигида ташкил этилган бу хайрли амал нафақат келин-куёвлар, балки Хонтепа маҳалласида истиқомат қилувчи кўпгина боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари кўнгилни ҳам шод этди.

Шу кун партиянинг вилоят Кенгаши раиси, халқ депутати вилоят Кенгаши депутати А.Аҳмедов шаҳардаги фаол маҳалла раислари, хотин-қизлар фаоллари, мактаб директорлари билан ҳам давра суҳбати ўтказди. А.Аҳмедов ўз сўзида Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан жойларда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари ва уларда партия ташкилотларининг иштироки хусусида алоҳида тўхталиб ўтди. Шунингдек, у тўпланганлар эътиборини юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг асл моҳиятига, уларни амалга оширишда хотин-қизлар ва ёшларнинг ўрни билан боғлиқ масалаларга қаратди.

Комил САҲАТОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Қашқадарё вилояти Кенгаши
матбуот котиби

Қонунчилик талабларининг тўғри қўлланилиши

фуқаролар ҳуқуқларини таъминлайди

Долзарб мавзу

Республикада қонунчиликни юқори даражага кўтариш ва давлат идоралари фаолиятида қонунчилик талабларини самарали таъминлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада Президентимиз томонидан 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида эълон қилинган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” дастурамал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу маърузада қонунчилик талабларини амалга оширишда ҳамда давлат бошқаруви ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қонун устуворлигини таъминлашда адлия органларининг ролини янада мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий механизмларни яратиш вазифаси қўйилган.

Мазкур ташаббусни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 17 июндаги “Давлат органлари фаолиятида қонунчиликни таъминлаш соҳасида адлия органларининг ролини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2011 йил 23 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар давлат идоралари, фаолиятини мониторинг ва назорат қилиш механизмларини тубдан яхшилашга кўмаклашди.

Жумладан, Адлия вазирлиги тизимида Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимларининг тузилиши энг муҳим янгилеклардан бўлди. Мазкур тузилмага давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

чи ва назорат тузилмалари фаолиятида қонунчиликка риоя этилиши аҳоли юзасидан мониторинг ва назоратни амалга ошириш вазифаси юклатилди.

Юқорида кўрсатилган вазифани амалга ошириш билан бир қаторда Бош бошқарма қонунчилик талабларининг бузилиши, ваколатдан чиқиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қондаларини нотўғри талқин қилиш ҳолатларини тизимлаштирилади. Бундай ишнинг амалга оширилиши давлат органлари фаолиятида муаммоларни йўналишларни аниқлаш, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчилик базасини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Хусусан, 2012 йилда ўрғанилган давлат идоралари фаолиятида аниқланган тизимли қонунбузилиш ҳолатлари таҳлил қилинди. Бунда қонунчилик талабларини тизимли равишда бузиш, деганда давлат органлари томонидан қонунчилик талабларининг нотўғри қўлланилиши оқибатида доимий, сурункали характерга эга бўлиб қолган камчиликлар тушунилади. Булар оқибатида ҳуқуқий нормаларнинг жорий этилишида кўзланган мақсадларга эришишга тўсқинлик қилувчи ва фуқаролар ҳуқуқларининг бузилишига олиб ке-

лувчи нотўғри амалиёт шакллари.

Қонунбузилиш ҳолатларини тизимлаштириш натижалари ҳуқуқни қўллаш амалиётининг умумий аҳолини ойдинлаштиришга имкон яратди ҳамда давлат бошқарув органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари фаолиятининг лозим даражада олиб борилаётганлигини тасдиқлади.

Умуман олганда, барча даражадаги идоралар қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда республика аҳамиятидаги дастурлар ва режаларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширишмоқда. Бошқача қилиб айтганда, давлат органларининг кундалик асосда олиб бораётган ишлари одамларимизнинг ҳафсизлигини таъминлашга, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг энг аҳамиятли ижтимоий хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга ҳамда жамият учун муҳим ҳисобланган тадбирларни ташкил қилишга қаратилган.

Шу билан бирга, мониторинг ва назорат тадбирлари довомида тасдиқини топган қонунбузилишлар давлат идоралари фаолиятининг алоҳида эҳтибор қаратиш лозим бўлган йўналишларини аниқлаш имкониятини берди.

Биринчи навбатда, давлат идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, асосан ўзларининг низомида акс эттирилган вазифа ва функцияларни бажариш масаласига эҳтибор қаратиш лозим. Умумлаштириш шунини кўрсатдики, айрим ҳолларда давлат органлари томонидан уларга оқлатилган маънос, тор доирадаги фаолият йўналишлари етарли даражада амалга оширилмасдан қолиб кетмоқда.

Мисол тарихида, таълим муассасаларида машғулотларга уэрли сабабларсиз келмаётган ёки мунтазам равишда қатнашмаётган вояга етмаганларни аниқлаш ишлари етарли даражада йўлга қўйилганлигини келтириш мумкин.

Маданият ва спорт ишлари идоралари томонидан моддий маданий мерос объектига муҳофаза белгилари ўрнатилмаганлигини яна бир мисол сифатида таъкидлаш мумкин.

Бундай функцияларнинг амалга оширилмаганлиги фуқаролар ҳамда бошқа идораларнинг доимий эътиборида бўлмайдиган фаолият йўналишлари назардан қочирилганлигини далолат беради. Шу билан бирга, бундай камчиликлар юридик хизмат фаолияти сустигининг белгиси бўлиб, юридик хизмат тегишли идора ходимларининг ҳуқуқий билимларини оширишда етарли даражада иштираётганлиги, қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини уларга етказиши, идоралар фаолиятида қонунчиликни таъминлашга кўмаклашиши лозим эди.

Шунингдек, умумлаштириш якунлари давлат идораларида қилинган муурожаатларни кўриб чиқиш билан боғлиқ қонунбузилиш ҳолатлари учраб турибди.

Таҳлил натижалари юридик шахсларнинг муурожаатлари ва электрон равишда бериладиган муурожаатларни кўриб чиқиш учун зарур бўлган ҳуқуқий нормаларнинг мавжуд эмаслиги айрим қонунбузилишларга сабаб бўлаётганлиги ҳақида хулоса қилиш имкониятини берди. Буларни ҳисобга олган ҳолда “Юридик ва жисмоний шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқилди. Унда юридик шахслар томонидан муурожаат қилиш тартиби, электрон муурожаатларни кўриб чиқиш жараёни ҳамда ариза ва шикоятлар билан ишлашнинг бошқа масалаларини тартибга солиш кўзда тутилмоқда. Қонун лойиҳаси депутатлар ва мутахассислар томонидан ижобий баҳолалиб, унинг долзарблиги ва муҳимлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, маъмурий жавобгарликка тортиш соҳасида кўпгина қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги кузатилди. Масалан, кўп ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баён-номаларни тузиш тартиби бузилганлиги аниқланди. Бир қатор ҳолатларда масъул идоралар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитларнинг бар-тарофи этилиши ҳақида тақдимномалар киритилмаган. Камчиликларнинг ушбу турини умумлаштириш якунлари уларни юзага келтирувчи сабаблардан бири Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни қўллаш бўйича ҳужжатлар намуналарининг мавжуд эмаслиги ҳақида хулоса қилиш учун асос бўлди. Шу сабабли ҳозирги кунда маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқишга ваколатли мансабдор шахслар учун тегишли тўпламни тайёрлаш режалаштирилмоқда.

Эътиборга молик масалалардан яна бири “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонун талабларини бажармасликдан иборат. Хусусан, баъзи идоралар томонидан ўз кучини йўқотган қонун ҳужжатларини қўллаш, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилмаслик ёки асоссиз равишда умуммажбурий талабларни жорий этиш каби қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилган.

2012 йил давомида адлия органлари томонидан қонунчиликка зид бўлган 23 та идоравий ҳужжат аниқланганлиги ушбу камчиликнинг долзарблигини кўрсатиб турибди. Уларнинг ҳар бири фуқаронинг манфаатлари қонуний асосларсиз чегараланиши мумкинлигини, бунда мансабдор шахс қонунга зид бўлган идоравий ҳужжатга асосланган ҳолда ўз ҳақрақатларини ҳаққоний, деб ҳисоблашни аниқлади.

Ушбу муаммага барҳам беришнинг йўллари узок вақт давомида баҳс ва мунозараларга сабаб бўлди. Ниҳоят, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуннинг янги

таҳрири билан вазирликлар ва идораларнинг мансабдор шахслари давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга киритганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилди. Шундан келиб чиққан ҳолда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Лекин бошқа тарафдан амалиёт шунини кўрсатмоқдаки, қонуний идоравий норма ижодкорлиги ўзига хос сабабларга эга. Уларнинг энг асосийлари ижтимоий муносабатларни тартибга солишда бўшлиқларнинг мавжудлиги, қонунчиликда “оқ доғ”ларнинг юзага келганлиги ҳисобланади.

Бундай “оқ доғ”ларни бар-тарофи этишга қаратилган кенг кўламли иш сифатида жорий йилда қонунларнинг хатловдан ўтказилганлигини айтиш мумкин. Хатлов давомида қонунларда амалга ошириш механизми билан таъминланмаган нормалар мавжудлиги ўрганилди. Айтиш зарурки, бундай нормалар “белгиланган тартибда”, “қонунчиликка мувофиқ” каби бирикмаларга эга бўлиб, баъзи ҳолатларда ҳуқуқий базада уларни амалга оширишни назарда тутувчи тартиб-таомиллар акс эттирилмасдан қолиб кетади.

Мисол учун, “Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида”ги қонуннинг 19-моддасида қон ва унинг таркибий қисмларини топириш тартиби қонунчилик билан белгиланиши кўрсатилган. Шунга қарамадан, у ёки бу сабабларга кўра мазкур масала тартибга солинмасдан қолган.

Шунга ўхшаш “яқунга етмаган” ҳуқуқий тартибга солиш одатда қонунчилик талабларининг амалга ошмай қолиб кетишига сабаб бўлади. Баъзида эса бу каби камчиликлар ноқонуний идоравий ҳужжат-

ларнинг қабул қилинишига сабаб бўлади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ўтказилган ўрганиш якунларига кўра, 60 та қонунда жами 136 та амалга ошириш тартиблари белгиланмаган ҳаволаки нормалар аниқланди. Ишлаб чиқилган таклифлар тегишли тартибда ҳўзирги қикшда учун юборилди ва маъқулланди. Шундай қилиб, 2013 йил 15 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Бунда масъул солишда ва идораларга қонунчиликда мавжуд бўшлиқларни тўлдиршига қаратилган 105 та ҳужжатни ишлаб чиқиш юзасидан топшириқ берилди.

Умуман олганда, 2012 йилда камчилик ва қонунбузилишларнинг содир этилишига имкон яратаетган шарт-шароитларни бартафари этиш мақсадида 82 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш таклиф этилди. Уларнинг бир қатори ҳўзирги вақтда ишлаб чиқиш ёки келишиш жараёнида турибди. Юқорида кўрсатилган мисолдаги ҳужжатларнинг яна 10 дан ортигини эса амалга оширишга эришилди.

Давлат бошқарув органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари фаолиятида қонунчиликка риоя этилиши аҳоли юзасидан мониторинг ва назоратни амалга ошириш ҳамда уларнинг натижаларига кўра ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ишлари давом эттирилмоқда.

Жаҳонгир СОТИБОЛДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлигининг
бўлим бошлиғи

Наманган томонларда

“ХОН” иш бошлади

20 нафар киши ишли бўлди

Норин туманидаги Чўжа қишлоғида бунёд этилган “Хон” тантаналар мажмуасининг фойдаланишга топширилиши катта шодиега айланган кетди. Унда иштирок этган вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Б.Юсупов мустақиллик ҳалқимиз ҳаётига беқиёс даражада ўзгаришлар олиб келганлигини, юртдошларимиз онг-тафаккурида юксалишлар юз берганлигини, республикамиз тараққиётига бутун олам ҳавас қилаётганини алоҳида таъкидлади. Жумладан, норинликлар ҳам Ватанимиз равнақига катта ҳисса қўшаётганликлари эътироф этди.

“Хон”нинг фойдаланишга топширилиши муносабати билан йигирмага яқин янги иш ўринлари вужудга келди. Мазкур мажмуадан ўрин олган ошона, салқин ичимликлар, гўлт ва савдо дўконлари, шунингдек, сартарошхона, қосиб ва чевар устаконалари шулар жумласидандир.

Тикувчилар

тикувчиликка ҳам қўл уришди

Косонсой туманидаги “Атласмен” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Муҳаммадхон Бозоров шундай дейди:

— Жорий йил бошда қўшимча иш ўрни яратиш мақсадида “Микрокредитбанк” туман бўлимининг 22 миллион сўм имтиёзли кредит олган эдик. Ана шу маблағ эвазига хоридан 3 та тикув дастгоҳи олиб келиб ўрнатдик. Шу тариха корхонамизда яна бир янги технологик линия — момиқ сочик тўқиш йўлга қўйилди ва 5 та қўшимча иш ўрни яратилди. Дарвоқе, корхонанинг тикувчилик цехида яна бир янги сме-на иш бошлади. Улар махсус иш кийимлари, қўлқоп, этак, кўрпа-ёстик жилдлари, чойшаб каби маҳсулотларни буюртмачилар талабига кўра тайёрлаб беришмоқда.

Саидолим АБДУРАҲМОНОВ



Бир алдади, икки алдади...

Адолат тарозиси

Пойтахтимизда истиқомат қиладиган Шухрат Пирматов 2011 йил январь ойининг охирида фуқаро А.Мирсаатовни фирибгарлик йўли билан алдаб, унинг ишончига қиради ва бир ой муддатда қайтариб беришни ваъда қилиб, ундан 13 500 АҚШ доллари олади. Орадан етти ой ўтгач, унинг пулларини қайтариб бериш ўрнига, “Цемент билан тижорат қилсак, яхши фойда қолади. Цементни сотиб 10-15 кун ичида пулингни қайтариб бераман”, дея яна унинг 12 500 АҚШ долларини қўлга киритади.

Оларда қирар жоним, берарда чикар жоним, деганларидек, осонгина қўлга киритилётган “муллажириг”лардан рухланган Шухрат Пирматов алдовнинг янги турларини ўйлаб топшишга тўшади. А.Мирсаатов билан навбатдаги учрашувида “Цемент ўхшамади, лекин Хитой давлатидан буюртма бўйича кўп сантехника мосламалари олиб келганман, ушбу юклар учун бохжона тўловларини тўлашга пулим етмаяпти, менга яна 7 000 АҚШ доллари бериб турсанг, аввал олган пулларим билан қўшиб, ҳаммасини 10-15 кунда қайтариб бераман”, деб алдов йўли билан ишонтириб, керакли пулни ҳам олишга муваффақ бўлади.

Хуллас, фирибгар Шухрат Пирматов қисқа муддатда А.Мирсаатовнинг жами 33 000 АҚШ долларини, яъни 56 039 320 сўм пулларини жиний йўл билан қўлга киритади. Мазкур сумманинг фа-

кат 300 АҚШ долларининггина эгасига қайтариб бериб, қолган пулларни ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборади. Кўза кунда эмас, кунда си-нади, деганларидек, Шухрат Пирматовнинг жиний қил-мишлари ҳам фош этилиб, жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман суди томонидан унга нисбатан Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жа-зоси тайинланади ва жабрланувчи А.Мирсаатов фойдасига етказилган моддий зарар-нини ундириш белгиланади.

Қинғир йўлнинг охири яхши-лик билан тугамаслигини ва ҳар бир қилмиш учун жавоб бериш лозимлигини кеч бўлма-ди ҳам англаб етган Шухрат Пир-матов суд томонидан тайин-ланган жазони энгиллашти-ришни сўраб юқори инстанция судига апелляция шикоят-и билан муурожаат қилди. Апелля-ция инстанцияси суди ишни



атрофлича кўриб чиқиб, маҳ-кумнинг айбига иқрорлиги, қилмишига чин кўнгилдан пу-шаймонлиги, яшаш шароити оғирлиги, оилада ягона боқув-чи эканлиги ва жабрланувчига етказилган зарар тўлиқ қоп-ланганлигини инобатга олиб, Шухрат Пирматовга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш би-лан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни лозим топди. На-тижада унга нисбатан қўлла-нилган “қамқоқда сақлаш” эҳти-ёт чораси бекор қилиниб, дар-ҳол суд залидан озод қилин-ди.

Худди шунга ўхшаш яна бир мисол. Б.Кўчқоров муқаддам бир неча мэрта судланган бўлишига қарамай, ўзгаларни алдаб, мўмай даромад орти-ришни касб қилиб олганлар тоифасидан чиқди. Б.Кўчқоров ўзганинг жуда кўп микдордаги мулкни алдаш ва ишончини суистеъмол қилиш йўли би-лан қўлга киритиш мақсади-да, Тошкент вилояти, Зангио-

та тумани, У.Мусаев кўчаси 18-уйида яшовчи фуқаро М.Арбо-еванинг ишончига қириб, жами 101 миллион сўмлик помидор маҳсулотларини Россия давла-тига сотиб, пулларини кейин беришни ваъда қиладди. Фи-рибгарнинг пуч ваъдаларига ишонган М.Арбоева бу так-лифга рози бўлгач, у ушбу маҳсулотларни олиб, пулни бермасдан ўз эҳтиёжи учун сарфлаб юборади. Жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман суди томонидан Б.Кўч-қоровнинг жиний ҳаракатла-ри Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисмининг “а” бан-ди билан квалификация қили-ниб, 8 йил муддатга озодлик-дан маҳрум қилиш жазоси тайинланади. Дастлабки тер-гов даврида етказилган мод-дий зарарнинг 10 000 000 сўми қопланган.

Б.Кўчқоров ана шундагина, яъни боши деворга урилган-дагина ўз хатоларидан қаттиқ пушаймон бўлди ва қариндош-

лари томонидан М.Арбоевага етказилган зарарнинг қолган 91 000 000 сўми тўлиқ қоп-ланганини, ҳеч кимга даъвоси йўқлигини ва айбига чин дил-дан иқрор эканлигини билди-риб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраб, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстан-цияси судига ариза тақдим қилди.

Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисмида етказилган моддий зарарнинг ўрни қоп-ланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тарихидаги жазо қўлланилмайди, деб кўрсатилган. Апелляция ин-станцияси мазкур қонун талаб-ларидан келиб чиқиб, бирин-чи босқич судининг Б.Кўчқо-ровга нисбатан ҳукмини ўзгар-тиришни лозим топди. Унга ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан энг кам ой-лик иш ҳақининг 350 барава-ри миқдорда 17 407 250 сўм жарима жазоси тайинлади ва маҳрум дарҳол суд залидан озод қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, апелляция институтининг мам-лакатимиз қонунчилигига киритилиши ишни мазмунан ик-кинчи марта қўриш орқали суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқнинг амалга оширилишини тўлиқроқ қафолатлашга, одил судловни тез ва аниқ таъминлашга, шу-нингдек, биринчи инстанция судларида йўл қўйилган хато-ларни тўғирлашга имкон яра-тади.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА

«INFOCOM — 2013» ҳафталиги

Жанубий Корея биринчи

Қарор ва ижро

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида ахборот соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар иқтисодий тармоқлари ва бошқа соҳаларда АКТни янада ривожлантириш ва кенг жорий этишга хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 27 июндаги қарори билан тасдиқланган 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация технологиялари, алоқа тармоқлари ва инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг қабул қилиниши мамлакатимизда ахборот ресурслари, тизимлари ва тармоқларини жадал ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди.

2004 йилдан буён сентябрь ойи охирида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «InfoCOM» ҳафталиги бу борада ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилаётган ислоҳотлар самараси бўлиб, мутахассислар ва ахборот технологияларидан фойдаланувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Мазкур ҳафталик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Вазирлар Маҳкамасининг Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаши, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси ҳамда «CIB GROUP» компанияси томонидан ташкил этилмоқда.

Ҳафталик давомда соҳани янада такомиллаштиришга қаратилган қатор тадбирлар ҳам бўлиб ўтади. АКТ ҳафталиги арафасида Жиззахда ёшларнинг янги ахборот технологияларидан фойдаланиши ва билимини кенгайтиришга қаратилган «Ахборот технологиялари — ёшлар учун» хайрият тадбири ўтказилади. Ҳар йили ушбу тадбир доирасида ҳомийлар ўқув муассасаларини замонавий компьютер ускуналари билан жиҳозлашга қўмаклашади.

23 сентябрь кунини пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида шу йил 13 августда бошланган UZ-2013 миллий домени интернет-фестивалининг якунлари сарҳисоб қилинади. Фестиваль Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси кўмагида «Ўзбекистон

маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажақ овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «UZINFOCOM» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази томонидан ташкил этилди.

Фестиваль танлов дастури ўн мавзу ва иккита махсус номинацияни ўз ичига олади. Бу йилги фестивалда интерфаол хизматлар кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилиб, «Тармоқ сервислари соҳасидаги энг яхши сайт» номинациясида махсус «Электрон тижорат» йўналиши ҳам жорий этилган. Танлов дастурига ҳар бир мавзу бўйича иштирокчилар учун WWW.UZ миллий излаш тизимининг махсус мукофоти кiritилган. Маълум вақт ичида ўз номинациясида энг кўп балл тўплаган ўрта сайт ғолиб деб топилди.

24 сентябрь куни Тошкентда ўтказиладиган Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича миллий саммит мамлакатимиз АКТ соҳасидаги асосий воқеалардан бири бўлади. Ушбу тадбир миллий экспертлар ва халқаро мутахассисларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Саммит ўтказилган дастлабки йилларда икки юз нафарга яқин делегат қатнашган бўлса, бугунги кунда иштирокчи мутахассислар сони икки баробар кўпайди.

Саммит мутахассислар, давлат органлари, халқаро ташкилотлар ва хусусий секторга АКТ бозорининг бугунги аҳолини таҳлил қилиш, бу борада энг сўнгги ютуқлар билан танишиш, янги ишончли шериклар топиш, мамлакатимизда АКТни янада жорий этиш учун қўшимча инвестиция ресурсларини жалб қилиш имконини беради.

Тадбир ҳақидаги тўлиқ ахборот билан расмий www.icts-

Мамлакатимизда 23-28 сентябрь кунлари анъанавий «InfoCOM-2013» ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ҳафталиги бўлиб ўтади.



ummit.uz сайтида танишиш мумкин.

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасидан маълум қилишларича, «InfoCOM — 2013» ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида 25-27 сентябрь кунлари Тошкент ва Жиззах шаҳарларида бир пайтнинг ўзида анъанавий «ICTExpo» ахборот технологиялари миллий кўرғазмаси ҳам ўтказилади. Тадбир давомида ташкил этиладиган видео-кўприк эса кўрғазмага ташриф буюрадиганларга ҳар икки кўрғазма экспозицияси билан танишиш имконини беради.

«ICT-Expo-2013» стендларида ахборот хизматлари бозорида қўлланилаётган барча замонавий технологиялар ва ечимлар намойиш этилади. Кўрғазмада тизимли интеграция, дастурий таъминот ишлаб чиқиш, компьютер техникасини йиғиш, дилерлик соҳасида юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган миллий компаниялар, шунингдек, мобил алоқа операторлари, алоқа ҳамда маълумотлар узатиш провайдерлари иштирок этиди.

Кўрғазма иштирокчилари ҳаётга татбиқ этилган «электрон ҳуқуқат» лойиҳасининг энг яхши намуналарини тақдим қилади. Кўрғазма ягона давлат маълумотлар базасини ташкил қилиш ва аҳолига интерфаол хизмат кўрсатиш бўйича самарали ечим топишга қўмаклашади. Давлат бошқаруви ва ҳокимияти органла-

ри «электрон ҳуқуқат» соҳасидаги тайёр тақлифлар билан танишиш, малакали маслаҳат олиш ва режалаштирилаётган лойиҳаларни амалга ошириш учун шерик топиш имконига эга бўлади.

Кўрғазма дастуридан таълимга оид кўплаб семинарлар, давра суҳбатлари, турли тадбир ва танловлар ўрин олган. «ICT-Expo-2013» кўрғазмаси ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустақам амалий муносабатларни йўлга қўйишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда интернет-провайдинг ва миллий контентни ривожлантириш масалаларига оид давра суҳбати ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда халқаро экспертлар билан ҳамкорликда «Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жараёнларини қонуний тартибга солиш масалалари» мавзусида халқаро семинар ташкил этилади.

Семинарда ижтимоий муносабатлар тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этишга қаратилган ишларни ташкил этиш принциплари ва уни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш, ахборотлаштириш ресурсларидан

фойдаланган ҳолда, сиёсий модернизация жараёнларини самарали амалга ошириш йўллари муҳокама этилади. Хусусан, илғор халқаро тажриба инobatга олиниб, «Электрон ҳуқуқат тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилиш режалаштирилади.

АКТ ҳафталигининг сўнгги кунинида ёшлар ўртасида дастурий таъминот ишлаб чиқиш бўйича «Best Soft Challenge» танлови ғолиблари тантанали равишда мукофотланади.

Дастурий таъминот соҳасини ривожлантиришнинг муҳим шарти сифатида мамлакатимиздаги етакчи таълим муассасалари базасида дастурлаш соҳаси мутахассисларини тайёрлаш йўлга қўйилган. Шу муносабат билан олий ўқув юртлири талабалари, коллеж ва лицей ўқувчилари ўрта-сида ўтказиладиган танловдан кўзланган мақсад ёш дастурий таъминот ишлаб чиқувчиларни рағбатлантириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, дастурий маҳсулотлар бозорини ривожлантиришдан иборатдир.

АКТ ҳафталиги охирида е-спортни бўйича «Uzbekistan Cyber Games-2013» Ўзбекистон чемпионатининг финал босқичи ва унинг ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.

Компьютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионати 17 июлда бошланган бўлиб, айни пайтда Бухоро, Урганч, Самарқанд, Қарши, Фарғона ва Тошкент шаҳарларида унинг худудий саралаш турнирлари ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, «ICT-Expo — 2013» ахборот технологиялари миллий кўрғазмаси доирасида «WCG-2013» жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини берадиган «FIFA 13» ўйинларининг саралаш турнири бўлган «Zo'r-Zo'r UCG — 2013» миллий финал босқичи бўлиб ўтади.


Мухтасар айтганда, мазкур ҳафталик Ўзбекистонда АКТ соҳасини янада ривожлантириш ва бу борада халқаро ҳамкорликни мустақамлашга хизмат қилади.

АКТ ҳафталиги ҳақидаги батафсил ахборот билан www.ictweek.uz сайтида танишиш мумкин.

Бобур ОБИДОВ,
Ўза мухбири

Энг юқори тезликдаги интернет-боғланиш бўйича тузилган рейтингда биринчи ўринда Жанубий Корея қайд этилди. Жанубий корейлик фойдаланувчилар бу борада 14,2 Мбит/с тезликка эришишган. Мамлакатда интернет-боғланиш тезлиги рейтинг бўйича 9-ўринни банд этган АҚШга нисбатан 65 фоизга юқори.

South Korea and Japan Top Internet Speed Ranking
Average measured internet connection speed in Q1 2013




Дарҳақиқат, АҚШда интернетнинг ўртача тезлиги 8,6 Мбит/с бўлиб, бу тезликда HD-сифатдаги икки соатлик фильмини юклаш учун бир соатдан камроқ вақт кетади.

Интернет-боғланиш тезлиги бўйича кейинги ўринлар Япония ва Гонконгга насиб этган. Жаҳвалнинг 4-8 қаторларидан Швейцария, Нидерландия, Латвия, Чехия ва Швеция каби Европа давлатлари жой олишган.

Дунё бўйлаб ўртача интернет-боғланиш тезлиги 3,1 Мбит/с ни ташкил этади. Бундан ўн йил олдин эса, 56 Кбит/с тезликда ишлаш оддий ҳол саналган. Мисол тариқасида, ушбу кўрсаткич билан HD-сифатдаги фильмини кўчириш учун 60 соат кутиш талаб этиларди.

Пляжда шоколадли қаср

Англиянинг Брайтон шаҳридаги пляжда қандолатчилик компанияси шоколадли қаср яратди.




Оғирлиги 500 килограмми ташкил этган ширинлик иморати 90 минг шоколадли конфет, «цемент» вази фасини бажарган чорак тонна қаймоқли помадка ва 20 кг. конфетдан кўтарилди. Беш кишилик жамоа қасрни куриш учун 100 соат вақт сарфлади. Маҳсулотларни Cadbury қандолатчилик компанияси тақдим этди.

Брайтон шаҳрида тўрт кун сақлангач, маҳсулот Бирмингем шаҳрига кўчирилди. Ширинликнинг сўнгги манзили этиб, Cadbury фабрикаси жойлашган Бурнвиль шаҳри белгиланган.

Сибирда саҳрони кўриш мумкин

Экологик фожа яқин 50 йилда Россияга хавф солиши мумкин, деган таҳминга келинмоқда. Олимлар фикрига кўра, 2020 йилга келиб, Россиянинг катта худудини қоплаган мангу музликлар сезиларли даражада қисқаради. Музликларнинг эриши турар-жойларнинг вайрон бўлиши ва йўллارни сув ювиб кетишига олиб келади, деб хабар беради РБК daily.



— Музларнинг эриши иқтисодга жуда катта зарар етказайди. Иншоот, қурилма, коммуникация ва турли тизимлар ишдан чиқади ва шаҳарлар аста-секин харобага айланади, — дейди Москва давлат университети илмий ходими Юрий Бадю.

Россия фанлар академияси қошидаги Биофизика институти етакчи илмий ходими Алексей Карнауовнинг таъкидлашича, Сибирда қумтепалар пайдо бўлиш эҳтимоли мавжуд.

— Биз 50 йилдан сўнг Сибирда саҳрони — офтоб тафтаида қайнаган қумли барханларни кўришимиз мумкин. Балки тескари содир бўлади, яъни музли саҳро вужудга келади. Бу Гольфстрим (денгиз илик оқими)нинг тўхташига боғлиқ, — деб таҳмин қилди у.

Олимлар шунингдек, ернинг муз қопламаси эришини тўхта-тишининг иложи йўқ, деган хулосага келишган.

Интернет хабарлари асосида
Ҳилола АБДУРАҲМОНОВА тайёрлади.

Божхоначилар қасамёди

Давлат божхона қўмитаси Олий ҳарбий божхона институтида мазкур таълим даргоҳи ташкил этилганлигининг 10 йиллигига бағишланган тантанали тадбир ҳамда жорий йилда институтга қабул қилинган тингловчиларнинг «Ҳарбий ва божхоначи қасамёди»ни қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Парламент, тегишли вазирлик ва ташкилотлар вакиллари, ота-оналар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Давлат ҳокимияти тизимининг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиши божхона хизмати мамлакатимизнинг иқтисодий хавфсизлиги ва иқтисодий манфаатларининг ҳимояси билан шуғулланади. Табиийки, бу жараёнда замонавий билимларни чуқур ўзлаштирган, юқори малакага ва амалий тажрибага эга бўлган ёш божхоначи кадрларнинг ўрни беқимёс.

Марказий Осиё минтақасида ягона Олий ҳарбий божхона институтида ҳозирги кунда божхона иши ва юриспруденция мутахассисликлари бўйича малакали божхоначи кадрлар тайёрланмоқда.

Айни вақтда институтдаги 11 та кафедра, ихтисослашган дарс хоналари, кимё ва криминалистика лабораториялари, амалий машғулот майдончалари, шунингдек, иккита замонавий ётоқхона, кутубхоналар, спорт мажмуаси, тренажёр заллари, тир, ёзги ва қишки сузиш ҳавзалари, теннис корти ва бошқа зарур иншоотлар тинглов-

чилар ихтиёридадир. Институт қошида ташкил этилган Ахборот ресурслари маркази фондида эса 2,2 минг номдаги салкам 39 минг адаб-битлар жамланган.

Шунингдек, олдиндаги тўрт йиллик таҳсил давомида институтнинг профессор-ўқитувчилар жамоаси уларга божхона соҳасидан сабоқ берадилар. Қолаверса, ҳар ўқув йили якунида тингловчилар Давлат божхона қўмитасининг худудий божхона бошқармаларида малакавий амалиёт ўташ имкониятига ҳам эгадирлар.

Юртимиз божхонаси — Ватанимиз остонасидир. Бу остонанинг поклиги, ундан ёвуз ниятлар ва ғаразли кимсалар ўтмаслиги кўп жиҳатдан божхоначиларга боғлиқ. Бугун қасамёд қабул қилаётган тингловчилар ҳам келажақда ана шу маъсулиятни чуқур англайдиган божхона хизматининг профессионал ходимлари бўлиб етишиб чиқашади.

Фархунда ХОЛМЕНОВА

Том устидаги уй

Хитойда кўп қаватли турар-жойлар ҳамда корхоналар томида ноқонуний қурилишлар 2000 йиллар ўрталаридан бошланган. Бироқ унга ўз вақтида эътибор берилмагани ва тегишли чора кўрилмагани оқибатида бугунги кунда бу муаммо Хитой ҳукуматини ташвишга солмоқда.

Аниқланишича, бошлана сотиб олишга маблаг етарли бўлмаган билан бир қаторда ўзига тўқ фуқаролар ҳам том устига ноқонуний уйлар солишган. Юқоридаги каби қурилишларни тугатиш мақсадида ҳукуматни қатъий хатти-ҳаракат бошлашга Пекин шаҳридаги кўп қаватли турар-жойлар томидаги уй ҳақида жаҳон

ОАВда ёритилган мақолалар сабаб бўлган.

Бундай ноқонуний қурилишлардан бири Шэньчжэнь шаҳрининг Наньшань туманидаги анъанавий хитой ибодатхонасидир. Маҳаллий аҳолининг таъкидлашича, ўзбошимчалик билан қурилган иншоот 2010 йилдан бери мавжуд бўлиб, уни 21-қаватдаги хонадон эга-





ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП Андижон вилояти Кенгаши фаоллари

бугун Ўзбекистон халқини,
партия фидойиларини
ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ БАЎРАМ —
Мустақиллигимизнинг
22 йиллиги айёми билан
самимий муборакбод этади!



Ана шундай қутлуг дамда барчага байрамона
кайфият, оилаларига тинчлик-хотиржамлик тилайди!



**ЮРТИМИЗНИ ТИНЧЛИК, ОСМОНИМИЗНИ
МУСАФФОЛИК АСЛО ТАРК ЭТМАСИН!**

«MASTONA» ОАЖ

жамоаси
юртдошларимизни
Мустақиллигимизнинг
22 йиллиги билан
табриклайди!

Ҳар кимнинг дилидаги эзгу
ниятлари амалга ошсин,
халқимизнинг ризқи
зиёда, толеи баланд
бўлсин!



Тинчлик ва бахт ҳамжиҳатлик — тимсоли

“Обод турмуш —
обод юрт” танловига

Ҳаёт ҳеч қачон бир текис кечмайди, турмуш машаққатларини сабр-тоқат ва қаноат билангина енгиб ўтиш мумкин. Ўзаро ишонч ва ҳурмат, аҳиллик ва тўғрисиқлик оила тотувлигининг калитидир. Юртимизда шундай тотувликни ҳаёт мезонига айлантирган оилалар кўп. Улардан бири Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида истиқомат қилувчи Турабоевлар оиласидир.



бориб, ўқитувчилик касбини танлашди.

— Ҳамиша иш билан банд бўлсам-да, кечкурун ишдан қайтгач, бир дастурхон атрофида эр-хотин кун бўйи бажаришга улгуролмаган ишларимизни мушоҳада қилардик, муаммоларга ечим топардик, — дейди Айтмурат бобо. — Фарзандларимизни қаноатга, тўғрисиқликка, ҳалолликка, ҳамиша ҳалол лўма ейишга даъват этганмиз. Шу тўғрисида мана бугун бизнинг катта оилада умрини беҳуда ўтказётган киши йўқ. Ўғил-қизларим ота-она касбини танлагани сабабли ўз оилани педагоглар оиласи, деб баралла айта оламиз. Ҳаммаси уйли-жойли, оилали. Ўн саккиз неваранинг, етти чеваранинг давлатманд бобо ва бувисимиз, инсон учун ўз меҳнати мевасини тотиб, фарзандлар қамолни кўришдан-да улўғ бахт бўлмаса керак.

— Айниқса, байрам, улўғ айём кунлари хонадонимиз фарзанду невараларимга тўлиб кетади. Уларнинг ўз ҳаётидан мамнунлигини кўриб, ёшариб кетгандай

буламан, — дейди Гулайим момо.

Бу дунёда ҳар бир инсон бахтли ҳаёт кечириш, эл-юрт учун муносиб фарзанд тарбиялаш, уларнинг қамолни кўриш орузи билан яшайди. Оилаларимиз тинч ва фаровон яшар экан, Ватанимиз осуда, осойишта кунларни бошидан кечирилади. Буларнинг барчаси мустақиллик, эмин-эркин яшаш шарофатидир. Бизда ҳар доим оила муқаддас саналган. Эракларимиз мард, оила таъминотчиси бўлса, аёлларимиз ибодли, оқила бўлиши билан бирга, фарзандлар тарбияси билан шуғулланиб келишган. Бир-бирининг камчилигини тўлдириб, бир-бирига суяниб яшаш чинакам бахтдир, чунки оила соғлом бўлган жамият мустақкам, мамлакат барқарордир. Ватанимиз кучоғида Турабоевлардек фазил хонадонлар сони кундан-кунга қўпаяверишини чин кўнглидан истаб қоламиз.

М.ҚАБУЛОВА,

Қорақалпоғистон Республикаси,
Нукус шаҳри

Гулсевар партиядошимиз

Байрам арафасида Андижонда «Андижонни кўркам ва обод вилоятга айлантирайлик!» кўрик-танлови ўтказилди. Бундан кўзланган мақсад вилоятда амалга оширилаётган яратувчилик ва ободчилик ишларини янада ривожлантириш, юртдошларимизда мустақиллигимиз ва она-Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат ҳиссини оширишдир.

Кўрик-танлов ғолиблари орасида партиядошларимиз ҳам борлиги қувонарли. Жумладан, кўп йиллардан бундан гулчилик билан шуғулланиб, вилоят ободчилигига муносиб ҳисса қўшиб келаётган партиядошимиз, тadbirkor Нўмонжон Абдурахмоновнинг меҳнатлари ҳам юқори баҳоланди.

Нўмонжон Абдурахмоновни андижонликлар тажрибали гулчи сифатида яхши билешди. Бу бежиз эмас, албатта. Хакан қишлоғида ўзига хос гулчилик мактабини яратган партиядошимиз хонадонидан ва гулхонасида юртимиз иқлим шароитида ўсадиган турфа хил гуллардан тортиб тропик ўсимликларига учратиб мумкин. 40 дан ортқ турдаги гулларни кўриб, гулхонадан чиққингиз келмайди. Беихтиёр гул шайдоси бўлган Нўмонжон акага раҳмат айтасиз.

— Гузалликни севган одамнинг қалби ҳам тоза бўлади, — дейди Нўмонжон ака. — «Андижонни кўркам ва обод вилоятга айлантирайлик!» меҳнат ва санъат кўрик-танлови вилоятимизда анъанага айланганлигидан хурсандман. Чунки, тadbirkor доирасида вилоятимизда улкан яратувчилик ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мен каби гулчи тadbirkorларнинг сафи кенгайиши натижасида вилоятимиз янада обод бўлаётгани ҳам қувонарли.

Чиндан ҳам бугун Андижоннинг қайси бир кўчасида бўлманг, гузалликдан дилингиз яйрайди. Юртбошимиз томонидан андижонликларга «Андижон ҳақида, бу гузал юрtnинг қадимий тарихи, бу ерда яшайдиган одамларнинг ноёб фазилатларга эга экани, мардлиги ва вафодорлиги, ташаббускор ва изланувчанлиги ҳақида кўп гапириш мумкин. Андижонликлар том маънода бунёдкордир. Ерини, табиатини севади. Дўпписида сув ташиб бўлса ҳам дарахт кўкартиради», дея берган таърифи тўғрисида амин бўласиз.

Акбаржон НАЗАРОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти
Кенгаши матбуот котиби



Т.Раҳмонов олган сурат

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши

Тахрир хайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Нарином УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Эўҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Мамазор ХУҲАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талғат МУРОДОВ, Тошпулат МАТИББАЕВ, Ашиер МУМИНОВ.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували САЙБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Аxbорот, халқаро ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (146); Маънавий ва маданият бўлими 288-46-64 (151); Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс; Котибнат — 288-46-64 (144).

Навбатчи муҳаррир — Қ.Қўлдошев. **Навбатчи** — Ф.Жураев

«Adolat»дан кўчириб босиш тахририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Тахририят манзили: 100043,
Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани
«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgiz.uz
adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва аxbорот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
ISSN 2091-5217

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г—900. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 7123. Босишга таъшириш вақти — 21.05. Босишга топширилди — 22.05.
1 2 3 - 5

Adolat, insof va insofsizlik haqida maqollar

Adolat emas, adolat yengar. Birovni qarq'asang, o'zingga urar.
Arzon bo'lsa, oluvchidan insof ketar, Ketmon olsang, zanglatma.
Qimmat bo'lsa — sotuvchidan. Egasini qatnatma.
Bir yaxshiga bir yomon har yerda bor. Ko'r bo'lsang ham, ko'mamak bo'lma.
Insof — sari baraka. Noinsofqa erk bersang, elni talar.